

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

ҲАМКОРЛИК МАНЗИЛИ – ГЕРМАНИЯ



Айни пайтда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигидаги делегация хизмат сафари билан Германия Федератив Республикасининг Франкфурт шаҳрида бўлиб турибди.

Ташрифнинг биринчи куни вакилларимиз Германиянинг нуфузли DZ BANK – банклар уюشمаси раҳбарияти билан амалий учрашув ўтказишди.

▼ Амалий ташриф

Мулоқотда банк раҳбари Готфриед Фаранкин бошчилигида молия идоралари раҳбарлари, банк маъмурияти вакиллари иштирок этишди.

Музокаралар Ўзбекистон Германия ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, истиқболли пойтахтларга сармоя киритиш, бизнес муҳити ва имкониятлар хусусида борди.

170 йиллик тарихга эга "ODDO" етакчи мустақил Франко-Германия банк гуруҳи масъуллари билан мулоқотда эса ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, муҳим лойиҳаларга инвестиция йўналтириш, им-

коният ва истиқболлар борасида фикр алмашилди.

Маъмур банкка 1849 йилда асос солинган бўлиб, бош офислари Париж ва Франкфурт-Майнда жойлашган. Банк тизимида бугунги кунда 3 минг нафардан зиёд ходим фаолият кўрсатади. Ушбу банк бошқаруви остидаги миқоз активлари эса 140 миллиард еврони ташкил этади. Дунё бўйлаб 500 дан зиёд филиал ва махсус офислари бор.

Зойир Мирзаев маъмур банкда халқаро менежер лавозимида фаолият юритаётган Ўзбекистон фарзанди Ислам Искандаров билан

мулоқот қилди. Унинг Германиянинг нуфузли банкидаги фаолияти, бу ердаги илғор инновацион иш услублари, ўзига хос меҳнат бозори хусусида фикр алмашди.

Навбатдаги учрашув «AMK Global GmbH» молиявий компанияси вакиллари билан бўлди. 2019 йилда ташкил этилган компания бош офиси Франкфурт шаҳрида жойлашган бўлиб, МДХ давлатларида бир қатор йирик лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширган.


Учрашувда Тошкент вилоятида Германия ва Европа инновацион технологияларидан фойдаланган ҳолда маиший чиндиларни қайта ишлаш заводи қуриш бўйича инвестицион лойиҳани амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Лойиҳага кўра, янги завод тизимлар билан бир қаторда консалтинг, экспертиза, логистика йўналишларида ҳам фаолият юритади. Айниқса, чиндиларни қайта ишлаш ва қимматбаҳо материалларни қайта тиклаш бўйича замонавий технологияларни жорий этгани билан танилган.

Учрашувда Тошкент вилоятида Германия ва Европа инновацион технологияларидан фойдаланган ҳолда маиший чиндиларни қайта ишлаш заводи қуриш бўйича инвестицион лойиҳани амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ташрифнинг биринчи куни вакилларимиз Германиянинг нуфузли DZ BANK – банклар уюشمаси раҳбарияти билан амалий учрашув ўтказишди.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги Ахборот хизмати



“Ўзбекистон” нашриётида “Янгиланаётган Паркент” номли китоб нашрдан чиқди. Китобдан ўрин олган таҳлилий материаллар ва фотосуратларда давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 июнь куни Паркент туманига қилган ташрифи чоғида туман аҳолиси, тadbirkorлар ва фаоллар, нурунийлар, зиёлилар ва ёшлар вакиллари билан бўлиб ўтган суҳбат ва мулоқотларда билдирган ғоят муҳим фикрлари, масъул мутасаддиларга берган топшириқлари ўз ифодасини топган.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ПАРКЕНТ

Ёхуд орзунинг ҳақиқатга, “миш-миш”нинг вишмишга айланишидан бир шингил

Тўпلامда, шунингдек, халқ ноиблари ва жамоатчилик намояндалари, таникли адиб ва публицистларнинг суҳбат, мақола ва бадий асарлари орқали Паркентни Янги Паркентга айлантириш мақсадида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлик ишлари ҳақида ҳолисона, батафсил ҳикоя қилинади.

Муқаддимда давлатимиз раҳбарининг куйидаги сўзлари келтирилган:

“Халқимиз манфаати, унинг фаровонлиги биз учун ҳамиша бош мақсад бўлган ва шундай бўлиб қолиши керак. Шу боис, бутун мамлакатимиз қатори Тошкент вилояти, хусусан, Паркент тумани аҳолисининг ҳам оғирини энгил, мушқулини осон этадиган, содда қилиб айтганда, одамларнинг турмушини яхшилайдиган, ҳаётдан рози бўлиб яшашига маъна берадиган янги режа ва дастурлар тузганмиз ва уларни албатта амалга ошираммиз”.

Китобга шу замин фар-
Мева-чевалари пишиб пайдар-пай,
Юз минг улқаларга жунамоққа шай.
Нозу неъматлари қатор элдр бу,
Йил ўн икки ой ҳам бедор элдр бу.

Сендан ўргангандим элдорликни мен,
Сендан ўргангандим бедорликни мен.
Кимлар машғул эрур “миш-миш”инг билан,
Сен дунёни олдине “киш-киш”инг билан.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Viloyat bo'ylab

Milliy gvardiya TOSHKENT viloyati boshqarmasida O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi tashkil topgan kun munosabati bilan tantanali marosim bo'lib o'tdi. Tadbirda gvardiya safida namunali xizmat qilayotgan bir guruh xizmatchilarga harbiy unvon hamda maxsus diplomlar topshirildi.

CHINOZ tumanida “Fermierlar kuni”ga bag'ishlangan kengaytirilgan yig'ilish bo'lib o'tdi. Unda paxta maydonlarida amalga oshirilayotgan muhim agrotexnik tadbirlarning bajarilishi, jumladan, g'oz'a shoxlarini qisqartirishni yakunlash, g'alladan bo'shagan maydonlarga kartoshka ekishni tashkil etish, shuningdek, yangi xarid qilinadigan kombaynlarga oid masalalar muhokama qilindi.

QIBRAY tumanida kichik hajmli bolalar uyi faoliyat boshladi. Bu yerda ota-ona qaramog'idan mahrum, nogironligi bo'lgan bolalarni oila muhitiga yaqin sharoitda tarbiyalash uchun barcha zarur sharoitlar yaratilgan.

YUQORI CHIRCHIQ tumanida “Besh tashabbus olimpiadasi” doirasida mini-futbol bo'yicha “Mahalla uyushmasi ligasi” musobaqasining tuman bosqichi bo'lib o'tdi. Unda tumandagi 40 ta mahallaning 30 yoshdan oshgan futbol ixlosmandlari faol ishtirok etishdi. Qizg'in va murosasiz kechgan bahslar yakunida “Taraqliyot” mahallasi g'olib bo'ldi.

TOSHKENT tumanida 6-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabida “Dolzab 90 kun” loyihasi doirasida o'quvchilar uchun ma'naviy-ma'rifiy, intellektual va sport mashg'ulotlari o'tkazildi. Shuningdek, bolalarning jamoaviylik va fikrlash qobiliyatini rivojlantirish maqsadida qiziqarli viktorinalar, musobaqa va suhbatlar tashkil etildi.

▼ Тақдимот

ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТИКАСИДА ЖИЛДЛАНГАН ХАЗИНА

Нурафшон шаҳридаги Ўзбекистон Журналистлар уюشمаси Тошкент вилояти бўлими биносида “Ўзбек журналистикаси антологияси” I ва II жилд китоблари тақдими бўлиб ўтди.



Унда вилоятда чоп этиладиган газеталар бош муҳаррирлари, журналистлар, ижодкорлар ва китобхонлар иштирок этишди. Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюشمаси вилоят бўлими раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Раҳматилла Шералиев сўзга чиқди.

2

КЕКСАЙГАНДА МУНОСИБ ЯШАШ ҲУҚУҚИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, инсон қадрини улуғлаш, манфаатларини кафолатлашга хизмат қилмоқда. Бунда, айниқса, пенсия тизими такомиллаштирилиб, рақамлаштирилаётгани, пенсиялар миқдорининг мунтазам ошириб борилаётгани эътиборга молик.

Аммо пенсия тайинлаш жараёни қандай кечади? Бугунги кунда соҳани рақамлаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Юқоридаги саволлар билан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент вилояти бошқармаси шўъба мудир Аброрбек Бек-

муродовга юзландик.
– Пенсия тайинлаши учун иш стаж қандай ҳисобланади?

– Иш стажига расмий равишда ишлаб, иш ҳақи ҳисобланган даврлар қиради. Шунингдек, яқка тартибдаги тadbirkorлик, ўзини-ўзи банд қилиш ёки хорижда ишлаган даврлар учун ижти-

▼ Жараён

мой солиқ тўланган бўлса, улар ҳам стажга қўшилади.

Айниқса, аёллар учун бола парвариси, фуқароларнинг олий ўқув юртидаги кундузги таълими ва ҳарбий хизмат даврлари ҳам иш стажига қўшилади.

Эътиборли жиҳати, агар фуқаролар юқоридаги шартларга асосан камида 7 йил иш стажига эга бўлган тақдирдагина, олий ўқув юртидаги кундузги ўқиш ва бола парвариси

учун олинган таътил (кўпи билан 6 йил) даврлари ҳам умумий иш стажига қўшилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 4 майдаги “Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тadbirkorлари тўғрисида”ги Қарорига кўра, 2022 йил 1 июндан бошлаб, пенсия тайинлашда фуқароларнинг маълумотларини электрон базадан олиш тартиби жорий этилди.

2



"Миш-миш"га "кишмиш" зур қофия бўлади, албатта. Айниқса, сал аввалроқ одамлар тилида Паркентга поезд келармиш, йўллар кенгаймиш, сой бўйида кўп қаватли тураржойлардан иборат сўлим-сўлим массивлар қурилармиш деган "миш-миш" гаплар бугун купла-кундузи, одамлар кўз ўнгида реал ҳақиқатга айланиб турган бўлса...

Дарвоқе, лирик шоиримизнинг лутфидан шу ўринда биз ҳам бироз лирик чекиниш қиламиз.

асали, Паркент узуми, Паркент қаймоғи... Уларнинг ҳар бирини дастурхонга тортаркан, "Дадам ажойибларда, Паркентдан атай юборибдилар", деб қўйишни ҳам унутмайди.

Зориқиб кутганда бутилканинг овозини худди ғижжакнинг ноласига ўхшатадиган бу пиёнистлар ўзларича Паркентнинг нозу неъматларидан юз бурлади. "Дадандан ўргилдим, шунча нарсаяборгунча бир чилпит мусаллас юбормасмиди..."



ЯНГИЛАНАЁТГАН ПАРКЕНТ

Кўргансиз – ўзбек кино ижодкорларининг "Учрашув" деган машҳур телеминиятуралар тўплами бор. Шулардан биридаги ҳажвий саҳнада "томоғи тақиллаган" икки улфат узроқроқ бир танишларини йўқлаб боради. Халқ артисти Хусан Шарилов талқинидаги "шинаванда мезбон" – асли паркентлик, пойтахтдаги кўп қаватли уйлاردан биридаги камтарона хонадонда яшайди.

Томоғи бирров "ҳўллаб", иккинчи бир манзилга боришни режа қилган бу қутилмаган меҳмонларнинг асл мақсадидан батамом беҳабар, бу ҳақда ҳатто ўйлаб ҳам қўрмайдиган содда мезбон столни бир зумда тансиғу шифобахш егуликлар билан тўлдириб ташлайди – Паркент

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Бу картина суратга олинганига аллақачон ярим асрдан ошган. Ҳажв нишони ҳам алоҳида мавзу. Лекин, гап бунда эмас.

Гап шундаки, Паркент узуми, Паркент асали, Паркент мадор сомсаси, кабоби, боринги, мусалласи – хулласи калом бу бебаҳо заминга нимаики ато этилган бўлса, бугунги тил билан айтганда, ҳеч қачон "тренд"дан тушган эмас! Бу неъматларда ақл эгалари учун ажиб ишоратлар бордир...

Бирок, афсуски, шундай бебаҳо табиий бойликлар – мусаллоқ иклими, турнакўз булоқлари, мўл-кўл сув манбалари, шифобахш гиёҳлари, батакор туризм манзиллари ва тарихий қадимжолари бўлган, энг муҳими, ишнинг кўзини биладиган, қилни қирқ ёрадиган омилкор, меҳнатдан

қочмайдиган, мард ва олижаноб инсонлар, уста-деҳқонлар, пазандаю хунармандлар, энгилмас полвонлар юрти тараққиёт ва фаровонлигининг бугунги мезонларидан анчайин ортада қолиб келгани, бунинг объектив ва субъектив сабаблари борлиги кўпчилиққа сир эмас.

Бугунга келиб эса, Паркент батамом ўзгармоқда, янгиланмоқда. Машҳур бир асардаги машҳур иборатга ҳамоҳанг қилиб айтилса, бу ўзгаришларнинг бошида шахсан давлатимиз раҳбарининг ўзлари турибдилар!

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу қадим ҳудудга қилган бир неча ташрифлари чоғида берган тақлифлари, мутасаддиларга топшириқлари, билдирган қимматли фикрлари, шу билан бирга, кўрсатаётган катта молия-

вий кўмаклари бугун Паркентни фаровонлик ва тараққиётнинг батамом янги, файзли бир манзилга айлантирмоқда!

Бу ердаги ободлик, бунёдкорликлар нафақат паркентликларни, балки ҳудудга келаётган ҳам маҳаллий, ҳам хорижий сайёҳларнинг ҳавасини тортмоқда.

Ҳар даврнинг ўз тарихи ёзилади. Паркентда ҳам бугун тарих ёзилмоқда. Бу тарих нафақат китоб саҳифаларига, балки миннатдор паркентликларнинг юрак сарҳадларига битилмоқда, десак асло муболага бўлмас.

"Янгиланаётган Паркент" китоби туманининг бугунги ҳаёти, мард ва меҳнатқаш паркентликлар турмушида юз очаетган янгиланишлар сонмасининг ўзига хос дебосҳасидир.

Ҳ. РАҲМАТУЛЛАЕВ

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGINING "SEA BREEZE" KURORT MAJMUASI QURILISHIGA DOIR RASMIY BAYONOTI

Bo'stonliq tumani O'zbekistondagi eng salohiyatli turizm hududlaridan biri sifatida muhim ahamiyat kasb etmoqda. 2024-yilda tumanga 12-million nafardan ortiq sayohiy tashrif buyurgan bo'lib, ularning qariyb 300 ming nafari xorijliklardir. Bu ko'rsatkich hududning bugungi kundagi qabul qilish imkoniyatidan 4 barobar yuqori. Sayohatlar oqimi o'sib borayotgani, mavjud mehmonxona va dam olish maskanlari yetarli emasligi esa qator noqulayliklarga sabab bo'lmoqda.

O'tgan yili Bo'stonliqda turizm eksporti 325 million AQSH dollarini tashkil etgan. Joriy yilning iyul oyiga qadar Bo'stonliqqa 230 ming xorijiy sayyoh tashrif buyurdi. Turizmni rivojlantirish orqali daromadlarni oshirish Toshkent viloyatining o'sish nuqtalaridan biridir.

Shu munosabat bilan, "Sea Breeze" kurort majmuasi loyihasi doirasida Chorvoq suv ombori bo'yida 577 gektar yer maydoni va unga tutash 3 ming gektarlik hududda keng qamrovli ishlar rejalashtirilgan. Dam olish maskanlari, cho'milish havzalari, sport maydonchalari, savdo va servis markazlari shular jumlasidan. Shuningdek, xalqaro festivallari, konsertlari va anjumanlari o'tkazishga xizmat qiluvchi maydonlar hamda ikki qirg'oqni bog'lovchi ko'priklar quriladi.

Loyiha amalga oshirilishi natijasida 10 mingdan ziyod ish o'rni yaratilishi, turizm eksporti 500 million AQSH dollariga yetishi, chet ellik sayyohlar oqimi esa yiliga 5 million nafargacha ko'payishi kutilmoqda.

Alohida ta'kidlash joiz-ki, hudud

aholisiga ochiqlik va hisobdorlikni ta'minlash maqsadida viloyat hokimligi loyiha doirasida tegishli majburiyatlarni o'z zimmasiga oladi.

Xususan, loyiha amalga oshirishining barcha bosqichlari ekologiya, qurilish, kadastr va sanitariya sohalari bo'yicha viloyat tuzilmalari tomonidan tizimli nazoratga olinishi ta'minlanadi.

Yer uchastkalarini ajratish, ijaraga berish va qayta rasmiylashtirish bo'yicha barcha jarayonlar tasdiqlangan master-reja asosida, ekologik talablar inobatiga olingan holda va ochiq monitoring sharoitida amalga oshirilishi nazorat qilinadi.

Vazirlar Mahkamasi qarorida belgilangan tartibda yerdan foydalanish huquqiga ega bo'lgan barcha fuqarolarga kompensatsiyalar to'lanadi.

Shuningdek, viloyat hokimligi mazkur hududda qonunbuzarlik, tabiatga zarar yetkazish yoki jamiyat manfaatlarini zid bo'lgan har qanday urinishlarga nisbatan qat'iy choralar ko'rilishini ta'minlaydi.

O'zbekiston Respublikasi Davlat Mustaqilligining 34 yilligiga

DIQQAT, TANLOV: VATANIMNI MADH ETAMAN!

Toshkent viloyati hokimligi, Yozuvchilar va Jurnalistlar uyushmalarining viloyat bo'limlari, viloyat Madaniyat va Yozuqarmasi, respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazining viloyat bo'limi hamkorligida Toshkent viloyatida tug'ilib, ijod qilayotgan professional va havaskor shoirlar o'rtasida O'zbekiston Respublikasi davlat Mustaqilligining o'ttiz to'rt yilligiga bag'ishlangan "Vatanimni madh etaman!" deb nomlangan she'rlar ko'rik-tanloviga hujjatlarni qabul qilish jarayoni boshlandi.

* She'rlar:

– mamlakatimiz hayotining turli sohalari amalga oshirilayotgan keng ko'lami demokratik islohotlar yurtdoshlarimizning turmushini yaxshilash, dunyoqarashini yuksaltirishga xizmat qilayotganini targ'ib etishga;

– so'nggi yillarda yurtimiz ma'naviyatini rivojlantirishga oshirilayotgan islohotlar va bu borada erishilayotgan natijalarni turli tashbehlar, yangi adabiy topilmalar asosida tasvirlashga;

– Yangi O'zbekistonning dunyo hamjamiyatidagi nufuzi va obro'si oshib borayotganini, davlat va jamiyat hayotidagi o'zgarishlar izchil amalga oshirilayotganini hayotiy misollar va tarixiy yutuqlarga asoslangan misralar asosida madh etishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– mamlakatimizda hukm surayotgan tinchlik-osoyishtalik, chegaralarimiz daxsizligini asrash, doimo ogoh va hushyor bo'lib yashash, safarbarligimizni yanada oshirish – bugun hayotning o'zi talab qilayotgan eng muhim va dolzarb vazifamiz ekanini targ'ib etishga qaratilishi lozim.

"Vatan uchun, millat uchun, xalq uchun!" ezgu g'oyasi asosida o'tkazilayotgan ushbu tanlov g'oliblari:

* 1-o'rinni egallagan ishtirokchi 10 million so'm pul mukofoti, diplom bilan;

* 2-o'rinni egallagan ishtirokchi 7 million so'm pul mukofoti, diplom bilan;

* 3-o'rinni egallagan ishtirokchi 5 million so'm pul mukofoti va diplom bilan taqdirlanadi.

Shuningdek, uchta rag'batlantiruvchi o'rin sohiblarining har biri 3 million so'm pul mukofoti hamda diplom bilan taqdirlanadi.

* Tanlovga taqdim etilgan ijodiy ishga quyidagi hujjatlar ilova qilinishi lozim:

- * muallif haqida ma'lumotnoma (ob'yektivka);
- * muallifning pasporti yoki ID-karta nusxasi;
- * muallifning fotosurati;
- * muallifning manzili va bog'lanish telefonlari.

Tanlovga 2024-yil 1-sentyabrdan 2025-yil 15-avgustgacha bo'lgan davrda yozilgan she'rlar – asarlar joriy yilning 20-avgustgacha qabul qilinadi.

Ijodiy ishlar «Vatanimni madh etaman!» tanloviga deb ko'rsatilgan holda, O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Toshkent viloyati bo'limi mas'ul xodimi (U.Qobilov) <https://t.me/ulugbek000000> telegram manziligiga yuboriladi.

Eslatma: she'rlar elektron tartibda qabul qilinadi. She'rlar soni 3 tadan oshmasligi kerak. Tanlovga taqdim etilgan ijodiy ishlar jamlanib, saralanadi va e'tirof etilganlari umumiy to'plamga 1 donadan kiritilib, bayoz-kitob holda chop etiladi.

She'r tanlovi bo'yicha murojaat uchun telefon: +998 88 875-77-45

* Shuningdek, mazkur she'rlar orasidan lozim topilganlari qo'shiq uchun tanlab olinadi. * Professional va havaskor bastakorlar tomonidan tayyorlangan ushbu yangi qo'shiqlar Mustaqillik bayrami munosabati bilan Toshkent viloyatida o'tkaziladigan bayram dasturiga va viloyat miqyosidagi boshqa tadbirlar dasturiga kiritiladi.

Qo'shiqlar yozish uchun studiya xarajatlari Toshkent viloyati hokimligi tomonidan to'lab beriladi.

TASHKILY QO'MITA

ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТИКАСИДА ЖИЛДЛАНГАН ХАЗИНА

– "Матбуот тарихи – уйғониш даври тарихининг бир бўлагидир", деб ёзган эди атоқли жадид бобомиз Ҳожи Муин, – деди Р. Шералиев. – Шу вақтгача "Бизнинг узоқ ва бой тарихга эга журналистикамиз бор", дея бот-бот тақдирлаб келинди. Аммо бу мерос асосан тор доирага таниш бўлиб, унинг ҳақиқий қўламини кўрсатиб берадиган, омма кўз олдида гавдалантирадиган лойиҳага қўл урилмаганди. Давлатимиз раҳбарининг "Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори соҳада туб бурилиш ясади. Айнан ушбу тарихий ҳужжатда "Ўзбек журналистикаси антологияси" китобини нашрга тайёрлаш, бунинг учун зарур маблағ ажратиш масаласи белгиланди. Натيجида, миллий журналистикамизнинг шонли тарихини кўрсатувчи "ойина" яралди. 185 нафар муаллифнинг 200 дан ортиқ ижод маҳсулини тўплаш ва нашрга тайёрлашда Ҳалим Саидов, Акбар Нурматов, Карим Бахриев, Назира Тошпўлатова, Нурбой Жабборов сингари ўнлаб фидойи олим ва журналистлар жонбозлик кўрсатишди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу икки жилдги "Ўзбек журналистикаси антологияси" китоби "Қадимий давр журналистикасида лавҳалар", "Миллий давр журналистикасида лавҳалар" ва "Миллий журналистика шакллари ва тақомиланиши" асоси (урта асрлар), "Жадид журналистикаси (XIX аср охири – XX аср бошлари)", "Иккинчи жаҳон уруши даври журналистикаси", "Турғунлик даври журналистикаси: муржабб сеъсий жараён ва матбуотдаги эврилишлар", "Қайта куриш ва ошкоралик даври журналистикаси", "Мус-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



тақиллик даври ўзбек матбуоти", "Ўзбекистон фотожурналистикасида лавҳалар", "Мустақиллик йиллари телевидениеси ва радиоси" ҳамда "Ўзбекистон интернет журналистикаси" каби бўлимлардан иборат бўлиб, икки ярим минг йиллик давр давомида яратилган журналистик материалларни ўз ичига олади.

Ҳар иккала жилд "Ўзбекистон" нашриётда тайёрланиб, минг нусхадан чоп этилган.

Дарвоқе, ушбу хайрли ва масъулиятли иш Маҳмудхўжа Бехбудий тавааллудининг 150 йиллиги шукҳи кезиб юрган кунларда амалга оширилгани ҳам бежиз эмас. "Ўзбек миллий матбуотининг бошланиш даври жадидлик ҳаракати билан чамбарчас боғлиқдир", деб ёзади профессор Ҳалим Саидов "Жадид журналистикаси" бўлимининг қириш қисмида. Жадид матбуотининг эса Мунаввар қори ва Исмоил Обидийнинг "Тараққий" газетаси, Бехбудийнинг "Ойина" журнали ва бошқа нашрларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Журналистикамиз тарихини "Миллатни ким ислоҳ этар?" (Ибрат), "Тарих ва жуғрофия" (Бехбудий), "Бизни жаҳолат – жаҳли муржабб" (Мунаввар қори), "Ким нимани яхши кўради?" (Авлоний), "Биз ким ва нималардан кўрқамиз?" (Қодирий) каби бебаҳо мақолаларисиз

ёзишнинг илоҳи йўқ. Турли манбаларда сочилиб ётган ана шундай доғзарб материаллар бир муқова остига жамлангани билан ҳам антология қадрли ва қимматлидир.

Шу билан бирга, Тошкент вилоятда туғилиб, ижод қилган Зияд Есенбоев, Гулчехра Нуруллаева, Асад Асил, Шарифа Салимова, Абдунаби Хайдаров, Қалдибек Сейданов, Раҳматилла Шералиев, Муҳаббат Ҳамидова, Фатҳиддин Муҳиддинов, Саодат Урмоноваларнинг мақолалари ҳам антологиядан жой олган.

Шунингдек, китобдан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ижодкорлари, хусусан, Ўзбекистонлик фарзанди, соҳир овоз соҳиби, марҳум суҳандон Абдумўмин Утбосаровнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган.

Қайд этиш жоизки, жараён бу билан тўхтаб қолмайди. Келгусида антологиянинг III ва IV жилдларини ҳам нашрга тайёрлаш ва чоп этиш режалаштирилган. Бу ҳақда китоб сўзбошида алоҳида тўхталинган.

Тадбир якунида иштирокчиларга янги китоблар тақдим этилди.

Ўз муҳбиримиз

Жалолiddин ЭСОНОВ олган суратлар

КЕКСАЙГАНДА МУНОСИБ ЯШАШ ҲУҚУҚИ

Мазкур қарор бугунги кунда давлат пенсияларини ҳисоблаш учун зарур маълумотлар электрон базасини шакллантириш, жараёнини соддалаштириш, фуқароларнинг овозгарчиликларини бартафос этиш, пенсия ва нафақаларни етказиб бериш тизимини янада тақомиллаштириш, шунингдек, мазкур йўналишда соғлом рақобат муҳити ва замонвий стандартларни жорий этишга хизмат қилаётди.

– Бу фуқароларга қандай енгилликлар беради?

– Бугун ахборот технологияларисиз ҳеч бир тармоқнинг ривожини тасаввур этиш қийин. Пенсия тайинлаш ва расмийлаштириш жараёнига рақамли технологияларнинг татбиқи этилиши, энг аввало, фуқаролар манфаатини қўллаб амалга оширилган. 2022 йил 1 июнга қадар пенсия тайинлаш учун фуқаролардан 14 та ташкилотдан 30 дан ортиқ турдаги ҳужжатлар талаб этилиб, уларни йиғишга 6 ойгача вақт сарфланган бўлса, бугунги кунда маълумотлари электрон базада мавжуд фуқаролар фақат паспорт тақдим этишса kifоя. Мазкур ҳужжатга кўра, 2024 йил 1 январдан фуқароларга пенсия та-

йинлаш учун қўшимча равишда Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам мурожаат қилиш имконияти яратилган. Энг муҳими, ушбу қарорнинг тегишли бандига асосан 2025 йил 1 мартдан бошлаб 60 ёшга тўлган эркаклар ва 55 ёшга тўлган аёлларга пенсия шу куннинг ўзида автоматик "проактив" тарзда, яъни бирор-бир турдаги ҳужжат талаб этмаган ҳолда тайинланади.

Бунда, шахсга оид маълумотлар (фуқаронинг ёши, жинси), иш стажы, иш ҳақи (тўланган иктымий солиқ суммаси) ва оила таркиби (турмуш ўртоғи ва фарзандлари) Ақлия вазирлиги, Бандлик вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитасининг электрон базаларидан олинади ва шу куннинг ўзида пенсия "автоматик" тарзда тайинлангандан сўнг, фуқаронинг мобил алоқа воситасига маълумот юборилади.

– Бугунги кунда меҳнат дафтарчасини рақамлаштириш ҳақида кўп гапириляпти. Шу масалага ҳам тўхтайсизми?

– Авваллари умр бўйи меҳнат қилиб, қарилки гаштини суриш даври келганда идорама-идора сарсон юр-

ган кексаларни кўп учратганмиз. Янги тизимга кўра, биринчи босқичдаги ишхотлар ҳужжат йиғиш ва қозғобозликка чек қўйган бўлса, эндиликда жорий этилиши назарда тутилган ўзгаришлар фуқароларни ортиқча овозгарчиликлардан халос этиш билан бирга, тизимнинг очиқ ва шаффофлигини кўрсатади.

Бунинг учун ҳар бир фуқаро меҳнат дафтарчасидаги мавжуд маълумотларни аввалдан рақамлаштириб бориши керак. Агар фуқаро ишлаётган бўлса, иш жойидаги кадрлар бўлимига мурожаат қилиши ва бarcha маълумотларни Ягона меҳнат миллий тизими) идораларига дастурий-аппарат комплексига киритиши талаб қилиши керак. Агар фуқаро ишламаётган бўлса, меҳнат дафтарчаси билан Бандлик қўмитасига мурожаат қилиши талаб қилиши керак. Агар фуқаро ишламаётган бўлса, меҳнат дафтарчаси билан Бандлик қўмитасига мурожаат қилиши талаб қилиши керак. Агар фуқаро ишламаётган бўлса, меҳнат дафтарчаси билан Бандлик қўмитасига мурожаат қилиши талаб қилиши керак.

Шунингдек, пенсия тайинлашда меҳнат стажы автоматик аниқланади ва фуқароларнинг вақти тежалди.

– Пенсия соҳасида яна қандай янгилликлар кутиляпти?

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 105-сонли фармонида мувофиқ, пенсия ва молия хизматларини тўдан рақамлаштириш орқали 2027 йил 1 январдан бошлаб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитаси ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари туғатилиши кўзда тутилган. Уларнинг ўрнида ҳар бир туман ва шаҳарда 1–3 нафар ҳодимдан иборат илҳам сервис офислари ташкил этилади. Бу ўзгаришлар фаолиятни рақамлаштириш ҳисобидан амалга оширилади.

Шунингдек, 2026 йил 1 декабрдан бошлаб пенсия тизимида янги электрон хизматлар жорий этилади. Жумладан, «Менинг пенсиям» онлайн хизмати орқали фуқаролар ўз иш стажы ва иш ҳақи маълумотларига асосан пенсия миқдорини олдиндан ҳисоблаб кўриш имконияти эга бўлади. Бошқа бarcha пенсия хизматлари ҳам электрон шаклга ўтказилади.

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири Нозима РАСУЛОВА сўхбатлашди

▼ Пресс-тур



Маълумки, жорий йилги таълим соҳасига базишланган видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказиш учун маданий-маърифий, спорт ва ижодий тадбирларни ташкил этиши бўйича аниқ топшириқлар берилган эди.

Айни пайтда Тошкент вилоятида ҳам мазкур топшириқлар асосида кенг қўлмалли тадбирлар ўтказилмоқда. Вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси шўба бошлиғи Ботиржон Азизовнинг таъкидлашича, ёз фаслининг ўтган даври давомида 210 минг нафарга яқин ўқувчилар учун турли йўналишлардаги тадбирлар ташкил этилди. Бу жараёнда Маҳалла уюшмаси,



Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда 90 кунлик чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Ҳар бир туман ва шаҳар раҳбарлари мактабларга бириктирилди. Мактаблардаги кутубхона, спорт зали, компьютер хоналари ва тўғарақлар узлуксиз фаолият юритмоқда. "Долзарб 90 кун" доирасида вилоят бўйлаб 144 та кундузи оромгоҳ ташкил этилди, бу орқали 27 минг 600 нафардан ортиқ ўқувчи турли фан, санъат ва спорт тўғарақларига қамраб олинди. "Баркамол авлод" болалар мактаблари қошида ташкил этилган "Маданият ва санъат", "Техника ва конструкторлик", "Жисмоний

тарбия ва спорт", "Хорижий тиллар", "Олий таълимга тайёргарлик" каби тўғарақларда ўқувчиларнинг фаолиги юқори бўлмоқда. Уларда 781 нафар педагог фаолият юритмоқда. Шунингдек, 877 та мактабда "Турон" мактаб театри ва "Иқтидор" ансамбли жамоалари фаолиятини йўлга қўйиб, уларга 10 минг 500 нафардан зиёд ўқувчи жалб этилди. Яқинда вилоят ҳокимлиги ҳамда таълим бошқармаси ташаббуси билан Ангрен шаҳридаги умумтаълим мактабларида "Долзарб 90 кун" доирасида амалга оширилаётган ишлар билан оммавий ахборот воситалари ходимлари ва жамоатчилик вакиллари таништирилди. Пресс-тур доирасида жур-

налистлар "Наврўз" маҳалласида жойлашган 17-мактабдаги ижодий кўргазмалар, хунармандчилик машғулоти, тасвирий санъат намуналари ҳамда ёшлар ўртасидаги интеллектуал ва спорт мусобақалари жараёнига гувоҳ бўлдилар. Шу кунги ўқувчи-ёшлар ўртасида "Zakovat" ўйини, футбол, волейбол, шахмат-шашка мусобақалари ўтказилди. Бу тадбирлар болаларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланишига ҳисса қўшади. Бундан ташқари, "Вилоят бўйлаб саёҳат" лойиҳаси асосида ўқувчилар тарихий ва маданий обидалар билан таништирилиб, бой тарихимизни ўрганишмоқда. Мана, ёзининг сўнгги ойи ҳам бошланди. Жорий йилги "Долзарб 90 кун" тадбирлари ёшларнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил этиш, уларнинг қобилият ва истеъдодини ривожлантириш, жисмоний чинқиши ва маънавий етуқлига ҳисса қўшишда муҳим омил бўлмоқда. **Нигора ЎРОЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири**

▼ Шахсий фикр

Замонавий тарбия жараёнида боланинг молиявий онгини шакллантириш муҳим ўрин тутади. Пул бошқариш илмини билиш ҳақидаги тушунчалар боланинг ҳаётий қарашларини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам бола тарбиясида пул масаласига нисбатан эҳтиёткорлик билан ёндашиш талаб этилади. Афсуски,

баъзи ҳолларда ота-оналарнинг айримлари турли сабабларга кўра болаларидан пул яширадilar ёки ортиқ билан пул берадилар. Ҳар икки ҳолатда ҳам меъёр бўлмаса, бола психологиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу ўринда икки хил мисолни келтириб ўтишни лозим топдик.

ПУЛ ЯШИРИБ, ОҚИБАТ КУТМАНГ

Зокир 20 ёшга тўлганида ишга жойлашди. Ота-онаси уни пул билан сийламай катта қилишган. Чунки улар "Болани пулга ўргатиш ярамайди", деб ўйлашар эди. Ҳамма нарсани ўзлари олиб беради, лекин ҳеч қачон унинг қўлига нақд пул беришмасди. У илк маошини олган кунни дўстларини чойхонада меҳмон қилди, телефонини янгилади. Интернет учун катта пул тўлади. Қолганини қаерга сарфлаганини эса билмай ҳам қолди. Ҳар ойда келмаган пулга ҳаражати режа қилгани учун бири икки бўлмади. Пули дарров тугаб қолаверди. Қарз ордан қарз олаверди. Уни тўлаш ҳам ота-она зиммасига тушди. Боиси, фарзанди пулни жойига қўйиб ишлатишни ўрганимаган.

Меҳрибон эса бошқача муҳитда улғайди. Унга 7 ёшга тўлганидан бошлаб ҳар душанба "ҳафталик маблағ" бериларди. Ота-онаси унга: – "Бу сенинг пулинг. Уни қандай ишлатишни ўйлаб кўр. Агар ҳаммасини сарфлаб қўйсанг, ҳафта охиригача бошқа пул йўқ", – деб очик айтишарди. Сўнг қўлидаги пулни қанчасига ишлатганини, қанчаси ортиб қолганини эринмай муҳокама қилишарди. Оқибатда, Меҳрибон ёшлигиданоқ сарф-ҳаражати мустақил равишда режалаштирадиган, ҳар бир тийинини ўз ўрнида харжлайдиган қиз бўлди.

Иқтисодий қийинчилик туфайли маблағ етишмаганида, "пул йўқ" деб айтишдан кўра, "Бу нарсага ҳозирча сарфлай олмаيمиз", деб тушунтирган маъқул. Бу сўз болага реалликни ўргатади. «Ҳар нарсанинг ўз вақти бор экан», деб ўйлашга ундайди. Оиладаги пулни "оиламизнинг маблағи" деб тушунади. Шунда болада масъулият ҳисси пайдо бўлади. У ўзини ишончли ва жавобгар шахс сифатида ҳис этади.



Баъзилар болани "ҳимоя қилиш" максасида – кўп пул берилса, ёмон одатларга, ўғирликка ўрганиб қолади, деб ўйлашади. Аслида пулдан ҳаддан ташқари узоқлаштирилган бола бу нарсани ҳаёти давомида ёпиқ мавзудек қабул қилиб, пул билан боғлиқ ишларда хатога йўл қўяди ёки ҳаддан ташқари манфаатпараст бўлиб етишади.

Болаларга тўғри иқтисодий билим бериш учун пулнинг келиб чиқишини, уни ишлаб топиш осон эмаслигини, ортида катта меҳнат тургани учун уни тўғри йўналтириш лозимлигини эрта бошидан тушунтириш фойдалидир.

Яширилган пул – болага сир, ишонсизлик, ҳатто алдамчилик бўлиб туюлади. Агар ота-она думий равишда "пул йўқ" деяверса, фарзанд "дада мени алдаятми" деган халғла боради. Бу эса ота-онага нисбатан бўлган ҳурматга пурта етказилади. Бола улғайганида беради. Беоқибат, пулни ҳаддан ташқари яхши кўрувчи ёки ҳатто, қаллоб бўлиб етишишига замин яратади. Ана шундай хатарлардан бири – боладан пул яширишдир.

Фарзанд отаси ёки онасидан пул сўраганда, "Менда пул йўқ", "Ҳали сенинг ёшинг етмаган", "Ҳадеб, пул сўрайверма" каби жавобларни эшитиб, катта бўлса, пул фақат катталарники, болаларга тегишли эмас,

Икки оилада икки хил вазият юзага келганининг сабаби нимада? Ушбу мақоламизда шу ҳақда сўз юритамиз. Ҳар бир ота-она фарзандини ҳалол пул топадиган, оқил ва меҳрибон қилиб тарбиялашни хоҳлайди. Аммо, баъзан яхши ният билан қилинган хатолар фарзанд келажагини белгилаб беради. Беоқибат, пулни ҳаддан ташқари яхши кўрувчи ёки ҳатто, қаллоб бўлиб етишишига замин яратади. Ана шундай хатарлардан бири – боладан пул яширишдир.

Баҳам кўрилган, ўргатилган ва тушунтирилган пул эса – боланинг молиявий онгини ўстириб, ўзини бошқариш салоҳиятига ва мустақил ҳаётга тайёрлайди. Ҳар бир бола ўз ота-онасидан пул нисбатан тўғри муомала қилишни ўрга-

масдан ўзини бошқара олади. Агар пул боладан яширилмаса, унга ҳаётнинг аччиқ-ширин тарафлари ўргатилса, у оқибатли инсон бўлиб вояга етади. – Дадам ёшлигимдан бизларга пулни яширмаслик кераклигини ўргатганлар, – дейди онахон сўхбатдошим Дилбар Эргашева. – Уйда онамларга ҳам кўп айтардилар: "Боладан пул яширилмайди. Пулни қўриб катта бўлган боланинг назари тўқ бўлади. Бугун мен яширсам, эртага булар ҳам пул яширишни ўрганади. Болалар уйда қанча пул борлигини кўриб туришсин. Тўқчиликми ёки йўқчиликми, шунга яраша тежаб ишлатишни ўрганади. Пулни яширсангиз, бола "дадамда пул кўп", деб ўйлаб юраверади. Масъулиятни бутунлай унутади", дердилар.

Ҳамма нарсага осонликча эришишга ўрганиб қолса, ҳаётда содда шартларга тоқатсиз бўлиб, нафсини тия олмаслиги мумкин. Бу нафақат оилавий муҳит, балки келгусидаги ижтимоий муносабатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Масъулиятни бутунлай унутади", дердилар. Бу гапларда жон бор, албатта. Тўғри тарбия берай, десангиз, фарзандингиз билан ота-она ҳақида сўхбатлашадиган қочманг. У сиздан фақат пул олишни эмас, фикрлашни, тўғри қарор қабул қилишни ҳам ўргатсин. Болани молиявий жараёнга жалб этинг. Бирга ҳаражатларни муҳокама қилинг, нархларни ҳисобланг, ҳатто айрим қарорларни қабул қилишга йўл қўйиб беринг. Пулни қаерга ва нима учун сарфлаганини айтинг. Бу орқали бола пулнинг қадрига ета бошлайди.

▼ Эҳтиёт шарт

Мамлакатимизда ҳар қандай таълим олиш ва ўқитиш қонун билан белгиланган, таълим-тарбия ишлари давлатнинг қатъий назоратида. Бу шунчаки қоида эмас, балки конституцион талабдир.

Гуруч курмасиз бўлмайди, деганларидек, сўнгги вақтларда ноқонуний таълим бериб, одамларнинг онгу шуурини ярамас ғоялар билан заҳарлаётган нусхаларнинг кўпайиб бораётганини ниҳоятда ташвишли сигналдир. Масалан, пойтахтдаги "Уриқзор" бозорида савдо қилувчи, Тошкент туманида истиқомат қилувчи С.С. ўз яшаш манзилида республиканинг турли ҳудудларидан келган фуқароларга "Қуръон" ва "Тажвид" китобларини "хужра" шароитида ўқита бошлаган. Дарсхона манзили унинг ўз уйи. Қибрайда яшовчи яна бир фуқаро Х.Ж. таълим беришнинг "замонавий усули"дан бориб, "Ixtiyor" деган телеграм гуруҳи яратган ва ўз домига тушганларга тайин-туруриги бўлмаган номаълум диний адабиётлар асосида таълим бера бошлаган. Асли наманганлик, айни пайтда Зангиота туманида рўйхатдан ўтган ва шу манзилда яшовчи, вақтинча ишсиз П.А. эса ўз хонадонидан 2024 йил декабрдан бошлаб ойлик 300–500 минг сўм тўлов эвазига 6 нафар вояга етмаган шахсга (шундан: Наманган вилоятидан – 2 нафар, Тошкент



қандай қилиб таълим олиш мумкин? Уларга нега ишониб керак? Ахир, улар диний маърифат деб тутаётганлари, образли қилиб айтганда, чиройли қоғозга ўралган оғунинг ўзгинаси-ку! Кўриб турибмиз, бугун замон нотинч. Динни никоҳ қилиб, бузғунчилигу хунрезликлар билан соф ислом дини номига доғ тушираётганлар қанча? "Жиход" қиламан деб нотинч мамлакатларга айланма йўллар орқали кетганлар ҳам ўз-ўзидан бу йўлга киришгани йўқ. Албатта, соддалик ва алданиб оқибати бу. Хўш, улар қандай қилиб "тўр"га илиниши? Албатта, ана шундай ноқонуний дарслар, "хужра"лардаги "машварат"лар орқали... Бугунги кунда мамлакатимизда диний

мамлакат, эл-улус хавфизлигига таҳдид юзага келмаслигига ким қафолат беради? Ҳеч ким! Хужраларда қандай китоблар ўқитилаётганини ким билади? Эҳтимол, улар "терроризм" ва "худудш"ликка чорловчи даъватлар билан лиқ тўладир. Худо кўрсатмасин, эртага улар орасида сизнинг фарзандларингиз ҳам бўлсачи?... Кўзларни вақтида очиб керак! Бугунги кунда ҳар бир туман марказида "Қуръон марказлари" фаолияти йўлга қўйилган. Ким ўрганмоқчи бўлса, марҳамат! Лекин бундай бемалолхўжаликка асло йўл қўйиб бўлмайди! Яна бир гап. Эшитяпмизки, айрим фуқаролар фарзандларини Туркия, Миср каби давлатларга диний таълим олиш

рий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 476-моддасига биноан, унинг отаси – М.Д. маъмурий жавобгарликка тортилган ва суд қарорига мувофиқ, унга 1 ой муддатда фарзандини қайтариш мажбурияти юклатилган. Нега бундай ҳолатлар кузатиляпти? Ахир, мурғак фарзандни қандай қилиб, чет элда, яна бир ҳовуч бетайинлар қўлида ёлғиз қолдириш мумкин? Унга ким ва қандай таълим бериляпти? Бола шуури шабнамдек пок. Бу покликни ўз қўлимиз, калтабинлигимиз билан бўлмамайлик. Мурғак бола қайдан билсин, олаётган таълими эзгуми ёки акси? Мия "заҳар"ланса ўзлимизни бой берамиз. Оқибат бу "оғу" хароб қилажак... Замонавий дунё ҳаётини рад этиб, шай-

ЯЛТИРОҚ ҚОҒОЗГА ЎРАЛГАН "ОҒУ"

шаҳридан – 3 нафар, Тошкент вилоятидан – 1 нафар) "Қуръон" ва "Тажвид" китоблари орқали диний таълим бера бошлаган. Гарчанд, бу ишлар бориб турган жинорий ҳаракат бўлсада, уларга биринчи сарфар бағрикенглик қилинди: учала ҳолат бўйича ҳам Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан жазо қўлланилди. Шу ўринда ҳақиқат савол туғилади. Булар ким ўзи? Дарс беришга ҳеч қандай ҳуқуқий асоси бўлмаган бу "чаламулла"лардан

бағрикенглик, миллатлараро тотувлик борасидаги барқарорликка кўпларнинг ҳаваси келади. Бироқ, бундай кори ҳолларга бепарволик алал-оқибат яхшиликка олиб бормаслигини эндиликда барчамиз тушуниб етишимиз лозим. Ноқонуний таълим олганлар онги радикал ғоялар билан тўлдирилса бунга жамият ўз вақтида аксадо бермаса, бепарқ томошани мақомида турса, эртага жамиятда диний низолар чиқмаслигига,

учун юборишмоқда. Янгийўл шаҳрида яшовчи, 2009 йилда тўғилган К.И. ҳам шундайлардан. Қўшиларининг берган маълумотларига кўра, у 2022 йили ота-онаси томонидан республика ҳудудидан олиб чиқилиб, Туркиянинг Истанбул шаҳридаги "хужра"лардан бирида диний таълим олиши учун қолдирилган. Легаллаштирилган материаллар асосида, Ўзбекистон Республикаси Маъму-

рий тутумларни тикламоқчи бўлаётганлар атрофимизда, афсуски, кўп. Ўйлаб қолади, киши. Булар шоир ёзганидек, кўлмакдаги "тилла балиқча" эканини тушунишармикан? Асп Ислом маърифати бошқа-ю, уйдирилган жаҳолат бошқа эканини, нажот йўли таълим ва тараққиёт йўли эканини-чи? Ўйланг адашмайлик. Зеро, кейинги пушаймон ўзинга душман, дейдилар. **Зикрилла МУҲАММАД**

Саодат МУСАЕВА



TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Shahboz NIZOMIDDINOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Behzod QOBULOV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxon:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'tolon va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Nozima RASULOVA

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 21.00.

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-835.

2 743 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasi

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudofjayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonani nashri: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Биллур Бисотдаан


УНВОНИНГИЗ НИМА?



Эркин АЪЗАМ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

"Инсон номи мағрур жаранлар!" деган эди Максим Горький. Баландровозроқ йўсинда айтилган бўлса-да, йўқсиллар куйчисининг бу таърифи айти ҳақиқат. Бироқ биз, хом сут эмганлар ана шундай муътабар маснад бу ёқда қолиб, кўпинча, маврид-бемаврид ўткинчи мансабу мартабаларимизни пеш-писанда қилмоққа ошиқамиз. Ишонмасангиз, газеталарга бир назар ташланг - шопалоқдеккина матнинг остида ё устида гоҳо ундан-да мўлроқ ўрин эгаллаган қатор-қатор унвону замма! Айниқса, таъзияномаларни айтинг. Ўлган - бир одам (Худо раҳмат қилсин), қолган мусибатдорнинг бор мансабу унвонлари кўша-кўша

санаб берилди. Аста-фируллоҳ дейсиз - худди шуларни элга кўз-кўз этмоқ учун пайт пойлаб юргандек! Баъзи таржимаи ҳоллар, тавсияномаю тавсифномалар, тўйхату таклифнома ва бошқа "нома"лардаги... мактабда отряд советининг раиси бўлиб, фахрий ёрлиқ олганимиз, ҳарбий хизматда - "қизил бурчак"ларда кўрсатган намунали фаолиятимиз учун раҳматнома эшитганларимиз, бугун ҳеч кимсангиз эсида қолмаган майда-чуйда анжуманларда маърузаларимиз ижобий баҳолангани, бир замонлар алгоҳа ундан-да мўлроқ ўрин эгаллаган қатор-қатор унвону замма! Айниқса, таъзияномаларни айтинг. Ўлган - бир одам (Худо раҳмат қилсин), қолган мусибатдорнинг бор мансабу унвонлари кўша-кўша



югурманг, лойиқ кўрилсангиз - олинг-у, унутинг, кўрмагандек бўлиб юраверинг", деган экан бир донишманд. Ибратли гап, тўғрими? Лекин негадир эсдан чиқиб кетаверади-я? Бир вақтлар аэропортда Расул Ҳамзатовни пешвоз олган бир оқсоқол адбимимиз мансабу мартабасини, қўлга киритган унвону мукофотларини дастурхон қилиб ўзини таништирганида машхур шоир кулимсираб, "А я всего лишь Расул Гамзатов", дея қўл узатган экан. ...Бу мулоҳазалар анча илгару туғилган, қозоғга ҳам тушган, аммо баъзи бир андишалар кўни боғлаб юрар эди. Бугун газетда тагин шундай бир ношоиста ҳолатга кўз тушди ортиқча истихолани четга сурдик - айб этмассиз... 2010 йил

ЯЛАШ БОШҚА, СИЙЛАШ БОШҚА...

Шўро замонида бир ёзувчи бўларди. Яхши ёзувчи эди, кўп бамаъни асарлар ёзган. Лекин кампи-сандроқ, назардан четда юрарди. Боз устига, хотин-боласи ташлаб кетган, сўққа-бош. Сабаби - пиёниста эди. Шу одамни бир куни ҳамшишаси мактаб қилибди: сиз ундок ёзувчисиз, бундоқ ёзувчисиз! Умирида дадилроқ бирор таъриф эшитмаган ҳалиги шўрлик кафтини қулоғига қарнай қилиб ялирмиш: "Яна бир мактанг, яна, яна!" Ширин сўз - жон озиғи, кимга ҳам ёқмайди дейсиз! Аммо у хушомад уялтоқликка айланб кетса-чи? Унга ғараз, тама аралашса-чи? "Подшоининг эшагини мактаб, отини мин", деган гап бор. Бу бир эски нақл, албатта. Бугун энди подшою подшолик деган нарсалар йўқ. Қолаверса, подшо жаноблари келиб-келиб эшак минмагандир. Эшак жонивор ярашган бўлса, Хўжа Насриддинга ярашган. Подшо, эшак, афандилар замони-ку ўтган, бироқ ҳуда-бехуда мактов, кўтар-кўтар, силлиқ хушомадлар қолган. Шулар орқасидан иш битиришлар қолган. Тамаю ялтоқлик қолган. Бозор баҳона, ҳатто урчиб ҳам кетган.



Хўш, ким макталади? Иш тушган одам-да. Иш битириш учун. Кимга ишингиз тушади? Амалдорга-да. Ия, у зот мактов замиридаги заҳарни сезмайми? Сезишга сезади-ю, тоб беролмай қолади. Эриб кетади. Одам-да. Лойдан, гилдан бино бўлган. Шу тариқа ўртадаги иш битди дейлик. Икки томон ҳам гўё рози. Сен - менга, мен - сенга. Аслида улар бир-бирини алдади, лақиллатди. Ҳо-жатманд тилига бол суртиб ҳо-жатбарорнинг тамоми жойини ялаб чиқди. Яланган эса макруҳ сўлак аралаш кўпикдан ҳазар қилмади - хўзурланди. Аслида бу "олди-берди"нинг пора, порахўрликдан фарқи кам. Маънавий порахўрлик, холос. Қани, бу ўйинда ким ютдию ким ютқазди? Бизнингча, ялаган ютди - ишини битириб олди-да. Яланган эса мохиятан алданди, масхара бўлди - чув тушди.

Жамият, таассуфки, ҳамон шу каби ҳақоратларга лоқайд, чидаб келади. Ва ҳатто, бу ҳол кўпинча раб-батлантрилади ҳам. Зарарқунанда ҳашаротларга муносабат борасида қонун чиқиси мумкин, хушомадга қарши бундай чора қўллаш имконсиз - ширин-сунглик билан ялтоқликнинг чегарасини аниқлаш осон эмас-да. Шундан куйибми, ҳазрат Навоий масалани кескинроқ қўйган эканлар: Чун хушомад деманки бошласа кош Ким, тутулса дами, кесилса тили. Ўша замонлардан бери ялаймиз, яланамиз. Тилимиз узилиб тушмаганиму ўзимиз олқиндига айланб кетмаганимизга балли!

2006 йил

“ГАР-ГАР”ЧИЛИК

Устоз Носир Фозилнинг ёш-яланги кўрганда "Ҳа, шоир" деб қўйиш одати бор. Тўғри-да, ёш бўлгандан кейин шеър-пер ёзар, шеър ёзган эса шоир бўлади-да. Дарвоқе, ёзиши ҳам шарт эмас, кўнгли ёш, ёш кўнгли - шоирликнинг ўзгираси! Мабодо "шоир" бирор ноқўй иш қилгудек бўлса, "Қўяверинг, шоиргарчилик-да, - дейди Носир ака, - лойгарчилик дегандай гап буюм". Лойгарчилик, исрофгарчилик, арзонгарчилик... гар-гарчилик...

лашади, деди испохотчи иқтисод-чилар. Кутдик. Бир учи афсонага туташ гап экан... ҳийлагарчилик. Дуненинг бирор жойида арзончилик бўлади, деса, ишонманг. Даромад кўпайиши - бу энди бошқа масала. Лекин арзонгарчилик бошқа жабҳаларга кўчгани рост. Биргина санъат соҳасини олайлик. Ёзмасдан туриб китоб чиқариш, чала-чулла таъриба орқасида кинофильм яратиш, овоз-повоз бўлмаса-да, "юлдуз"лик даъвоси... Хуллас - сохтагарчилик, ясамагарчилик, гар-гарчилик! Кино ёки телевидение атрофида антиқароқ кийинган (имиж-да!) бирортасини тўхтаб, касб-корини сўрасангиз, "Продюсерман!" дейди виқор билан. Бу хунарнинг маъносига келганда эса чайна-либ қолади: "Нима дейди, ҳалиги, анақа-де..."



Бир ҳолнинг "адвокат"лари кўплиги! Ваҳ-карсонларнинг турфа-туманлиги! "Қўяверинг, майли, чиқаверсин, бўлаверсин, бу ёғи эркинлик, бозор! Ҳозир танлаш-танлашиш жараёни! Бора-бора ҳаммаси жой-жойига тушади". Шунақамикан? Қачон? Бир кун келиб жез тиллалик даъвоси билан чиққандами? Дид-чи? Диднинг айниши-чи? Бунга ким жавоб беради? Пештахта тўла чала китоб, экранни хом-хатала фильм босган, бу ёқда қўлбола "юлдуз"лар баъзи!.. Бозор санъати, бозор адабиёти! Бозоридан ҳам кўнглингиз қолиб кетар экан. Ёки бозор деганлари тўрт-беш олғир тўпланиб олиб, эвини топиб тиркичилик қилишимиз? Шугина холосми? Халқ манфаати-чи? Санъатнинг муқаддаслиги-чи?.. Расвогарчилик, расвогарчилик... "Ишқ бошқа, ҳавас бошқа", деган гап бор элда. "Ойнаси бор кишининг бари Исқандар эмас!" дейди ҳазрат Навоий. Ўртадан чиқиқ тортиш мавриди келмадимикан? 2007 йил

...БИРИ ДИЛДА

Бир мажлисда ёнимдаги киши муҳокама чоғи сўзга чиққан ҳар бир нотикнинг гапига ўзича, аниқроғи, менга шилшиб писанда аралаш луқма ташлаб ўтирди. Аксарият эътирозлари жўяли эди. "Билмай юрарканман, қаранг, фикри очиққина одам экан", деб қўйдим ичимда. Бир маҳал унинг ўзига сўз берилди. Тавба, таниб бўлмай қолди ҳалиги кишини! Олдинги нотикларни ҳам йўлда қолдириб, авранини шундай қуруқ олиб қолдики! Қайтиб келиб ўтирди: "Боя шаштингиз бўлакча эди-ку, тақсир?" деса, хижолат бўлмоқ ў ёқда турсин, ёш болага ақл ўргатгандек тепадан келди: "Қоидаси шунақа, биродар, қўяверсангиз-чи!" Қоидаси... иккиюзламачилик, мунофиқлик экан-да? Кўнглингизда гапни айтолмас экансан, минбарга югуриб нима қилардинг? Жимгина ўтирсанг, бирор келиб ёқангдан олмайди-ку!



Бу гапларни унга айтмадим, албатта. Айтолмадим. Чунки - қоидаси шунақа! Бинойидек гапларни гапириб турган яна бирига микрофон

са-чи? Йиғин аҳли яккаш ана шундай тоифадан иборат бўлса-чи? Унда мажлис қилмоқдан нима маъни, айтинг? Дарҳақиқат, айрим йиғинларимизда тилга олғулик ҳеч нима ҳал қилинмайди. Аслида аввалдан маълум бирор гап тасдиқланади, маъқулланади, холос. Бўлмаса, зарур-зарур юмушларини қўйиб, бунча одам нимага тўпландию навбатидан от хурқадиган не-не нотик минбарга нега чиқди? Шунча одам нега азда-базда унинг оғзига кўз тикиб ўтирди? Уларники ҳам бири дилда, бири тилдами? Шунақа мажлисларимиз ҳам бор-а, биласиз-а? Ўшандан бери бунақа йиғин-лишларда қулоғимни қар қилиб ўтирадиган бўлганман. Ёнимдаги одам ҳадеб шивирлайверса, "Кечирасиз, биродар, қулоғим оғирроқ, эшитолмапман", деб қўяман. Ўзи ростдан ҳам шундай, баҳона ёки кўрслигимдан эмас бу. "Эшитмаётган бўлсанг, мажлисда нима қилиб ўтирибсан?" дейшидан эса хавотирим йўқ. Чунки ҳали унинг минбарга чиқиб қолиш эҳтимоли бор! 2009 йил

ФАРҚИ БОР! БОР!



Турк киносериалидаги шу нусха сизнинг ҳам хотирангизда қолган бўлса керак. Чап қошини доим тажанларча кериб "жанобларининг отган ўқлари" қиёфасида ҳар қандай хулмага ҳозир турадиган мафия сарбози. Тўдабоши хўжайини "Бориб фалончини даф қилиб кел!" деган заҳоти ул шотир жойида аскарона шаҳдам қалқиб, "Фарқ этмес", дейдию ўша ёққа от суради. "Йўқ, шошма, аввал ёнингидagi манови шеринингнинг калласини олиб кетасан!" дейилса ҳам киприк қоқмай, "фарқ этмес"ини такоррайди-да, дарҳол ижрога киришади. Дунёвий истилоҳда бунақалар "зомби" деб аталади. Мудом биронинг тизгинида юрадиган иродасиз қул, ўзи эркин фикр қилолмайдиған

темиртан банда - робот. Манқурт десаю бўлади. Ўзимнинг бир жияним бор, эс-хушли туппа-тузуқ йиғит, талаба - баобўру бир ўқув даргоҳида таҳсил кўради. Лекин нима гап сўраманг, жавоби бир хил: "Фарқи йўқ". "Эртага дарсга борасанми ёки бекор кунингми?" "Сиз нима десангиз - шу. Фарқи йўқ". "Ўқийин битиргач қилиб илмий иш қилмоқчимсан ё қишлоққа кетасанми?" "Фарқи йўқ". Кейин атрофга диққат қилсам - аксарият ёшларимизнинг тилида шу гап: "Фарқи йўқ, фарқи йўқ". Анчайин оммалашган кундалик иборами бу ёҳуд чиндан ҳам ҳеч ниманинг фарқи қолмаганими уларга? Кеча билан бугуннинг фарқи йўқми? Яхши билан ёмоннинг фарқи йўқми? Тубанлик билан олижанобликнинг фарқи қолмаганими? Ҳаром билан ҳалол аралашиб кетганими?

Бой билан камбағал барабар - фарқи йўқми? Катта билан кичикнинг-чи? Золим билан мазлумнинг-чи? Рост билан ёлгонга нима дейсиз? Ҳақиқат билан ноҳақиқатга-чи? Ёздан қишинга фарқи бордир?! Кундан туннинг фарқи бордир?! Эракдан аёлнинг фарқи... Жўжадан товуқнинг... Калпадан салланнинг... Фарқини ўқотган бефарқ дунё... Бандаси оқ билан қоранинг, яхши билан ёмоннинг фарқига бормаса, Худо уни яратиб, кўнгли, фаҳм-фаросат ато этиб нима қиларди денг?! Тош - тошлиғича, кесак - кесаклиғича қолаверди-да, тўғрими? Алҳазар, алҳазар! Қаранг, шуларнинг ҳам - жонсиз тош билан кесакнинг-да фарқи бор-а! 2010 йил